ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 29-кун

№4 (334)

2003 йил 29 январь

Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ КИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ КИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

Расмий ташриф

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мадрид, 28 январ. ЎзА махсус мухбири Озод РАЖАБОВ хабар қилади:

Мадрид марказидаги «Леалтад» майдонида мамлакат озодлиги йўлида жон фидо қилган курашчиларга атаб ёдгорлик мажмуи бунёд этилган. Испанияга давлат ташрифининг иккинчи кунини Президент Ислом Каримов ана шу ёдгорлик пойига гул қўйишдан бошлади.

Испания Сенатида ушбу мамлакат парламенти етакчи вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Таъкидламоқ жоизки, қадимий Испанияда олий мартабали меҳмонни кутиб олишнинг ўзига хос анъаналари мавжуд. Шунга биноан, аввал икки давлат мадҳиялари янгради. Сўнг Президентимизга Сенат ва Депутатлар конгрессининг медали тақдим этилди. Ислом Каримов Сенатнинг қадимий ва бой кутубхонаси билан танишиб, «Олтин китоб»га дастхат битди. Испан қонунчилари мамлакатимиз раҳбарига мамлакатнинг 1978 йили қабул қилинган конституциясининг нодир нусхасини тақдим этди.

Сенат ва Депутатлар конгрессининг раҳбарлари - Хуан Хосе Лукас Хименес ҳамда Руди Убеда Луиза Фернанда, доимий қўмиталар раҳбарлари иштирокида ўтказилган қўшма йиғилишда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралар ҳақида сўзлади. Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналиши эканлигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов маҳаллий анъанага биноан суворийлар қуршовида Мадрид мэриясига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарини шаҳар мэри Хосе Мария Алварес дел Манзано кутиб олди. Бу ерда Ислом Каримовга Мадрид шаҳрининг рамзий «Олтин калити» тақдим этилди.

Мэр билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Испаниянинг тарихий шаҳарлари ўртасида қарор топган қадимий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдали эканлиги таъкидланди. Мадрид билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Куннинг иккинчи ярмида «Монклоа» саройида Президент Ислом Каримов ҳамда Испания ҳукумати Раиси Хосе Мария Аснар раҳбарлигида икки мамлакат делегацияларининг учрашуви бўлди. Музокарада Ўзбекистон билан Испания ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий алоқалар кўлами замон талаблари ва икки томоннинг имкониятлари даражасида эмаслиги қайд этилиб, келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида атрофлича фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Испания ўртасида Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим, шунингдек, иқтисодиёт вазирликлари, ташқи сиёсат маҳкамалари ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Испаниянинг Алкала де Энарес университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Испания сайёҳлик соҳасида дунёдаги етакчи ўринлардан бирида туради. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЖСТ) қароргоҳи Мадридда жойлашгани ҳам бежиз эмас. Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташкилот Бош котиби Франческо Франжиали билан учрашуви чоғида Ўзбекистонда сайёҳликни янада ривожлантириш ва бу борада мамлакатимизнинг ЖСТ билан ҳамкорлигини кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари қайси давлатга ташриф буюрмасин, албатта, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашади. Мадрид сафари ҳам бундан мустасно бўлмади. Ислом Каримовнинг Испания Тадбиркорлар ва саноатчилар конфедерациясида бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳият ва имкониятлари, мамлакатимизда хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликлар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Испанияга давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

Суратда: Ислом КАРИМОВнинг шаҳар мэри Хосе Мария Алварес дел Манзано билан учрашув пайти.

БУГУНГИ КУННИ ҲЕЧ БИР ДАВРГА АЛМАШМАЙМАН

Бу - 92 йиллик умрим тажрибасидан чиқарган хулосамдир.

Ўн икки ёшимда далага чиққанман. Отам Қулаҳмад ҳақиқий деҳқон эди. Шунинг учун барча фарзандларига доимо «Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» дея маслаҳат беришдан чарчамасдилар. Олия онамиз эса далага отланаётганимизда 2-3 та зоғора нон, майиз, туршак ва ёнғоқни рўмолчага тугиб берардилар. Ака-укаларим билан ишлаб, чарчаганимизда мазза қилиб тушлик қилгач, ариқдаги зилол сувдан мириқиб ичардик.

Умр оқар сув, деб бежиз айтмас эканлар. Кўз очиб юмгунча болалик йилларим ортда қолди. 16 ёшимда турмушга чиқдим. Биз етти ўғил, уч қизли бўлдик. Лекин афсуслар бўлсинки, беш ўғлимизни қизамиқ олиб кетди.

Уруш кезлари матонат синови бўлди. Кўпчилик оиланинг бошида кулфат, қора хат. Ўша кезлари халқимизнинг нақадар бағри кенг, олижаноб, саховатпеша эканлигининг шоҳиди бўлганман. Ота-онасиз етим болаларга халқимиз нафақат меҳрини, балки еб турган нон-насибасини ҳам тутди. Ўша пайтда турмуш ўртоғим Рихсибой ака темир йўлда, мен эса уйда, кундуз кунлари нон ёпиб, кечалари кўрпа-кўрпача қавиб, тинимсиз меҳнат қилардик. Болалар тарбиясини ҳам унутмасдик. Аллоҳга минг шукрлар бўлсинки фарзандларимиз ўқиб, улғайди. Икки ўғлим олий маълумотли. Қизларим ҳам турли касб эгалари бўлиб етишдилар.

Толеимдан айланай, шундай дориламон замонга ҳам етиб келдик. Истиқлолимизга ҳар қанча шукроналар айтсак, куюнчак халқи учун ёниб яшайдиган Юртбошимиз борлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ер ўзингники, мулкинг дахлсиз, энг асосийси юртинг, тинч, осмонинг мусаффо!

Инсон учун ҳаётда оила фаровонлиги, юрт бойлигиданда бебаҳо неъмат йўқ. Ён-атрофимиздаги мамлакатлардаги нотинчликлар, турли давлатларда юз бераётган қонли урушларни радиодан эшитиб, экранда кўриб турибмиз. Шунда мен беш маҳал намозимдан сўнг дуога қўл очиб, «Илоҳим, юртимиз тинчлиги, осойишталигига кўз тегмасин. Турли балолардан ўзинг асрагин, дейман. Зеро, дунёдаги бойликлардан энг бебаҳоси ҳам тинчлик.

«Обод маҳалла йили»да 93-баҳорни қаршилайман. Янги - «Обод маҳалла йили» барча юртдошларимиз қатори ўғилларим, қизларим, келинларим, жиянларим, йигирмага яқин набирам, ўттиз уч эварам, икки чеварамга ёрқин, нурафшон ҳаёт келтирсин. Маҳаллаларимиз янада кўркамлашиб, уларда яшаб, юзу пешоналаридаги ажинлари ўзларига ярашган фаришта сифат онахон-у нуроний отахонлар доимо соғ бўлишсин...

Ҳамро ая ҚУЛАҲМЕДОВА.
Собир Раҳимов туманидаги Гузарбоши маҳалласи.

Фармон, қарор - ижро

МАҲАЛЛАМИЗ МАЙДОНИДА НИМА ГАП?

*** Жим ўтирманг оқсоқол!**
*** Ўйингоҳ керак, аммо у қурилгунча-чи?**
*** «Оқ теракми, кўк терак» ўйнасак-чи?**

Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонида биринчи навбатда қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш... сингари кўпгина зарурий вазифаларни бажариш бугунги долзарб вазифаларимиздир.

Яқинда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳам тузилиб, фаолият юрита бошлади. Хўш, спорт соҳасига шу даражада ижодий ёндошиш бу кун маҳалла оқсоқолларини ҳам ҳушёр торттирмоқдами? Улар махсус Фармондан сўнг қандай режаларни туздилар?

Тўғри, айрим маҳаллаларда йил бошиданоқ спорт майдончалари қуриш, яроқсиз ҳолга келиб қолган стадионларни таъмирлаш, янгиларини барпо этишга ҳамда ёшларни спортнинг барча турларига жалб этиш масалаларига жиддий аҳамият берилди. Қай бир маҳаллаларда эса ҳанузгача спорт ўйингоҳлари йўқ. Бундай маҳаллаларнинг болалари бўш вақтларида дуч келган жойда турли ишлар билан банд бўлишади. Оқсоқоллар-чи? Улар ўсмирларни спортга жалб этиш учун аввало уларга қулай шарт-шароитлар яратиш зарурлигини ўйлаб кўришмаётир. Тўғри, дарров стадион қуришга оқсоқолнинг имкони йўқ. Аммо спортга муносабат фақат стадион қуриш билан белгиланармикин? Йўқ, албатта. Биринчи галда маҳалла оқсоқолининг ўзи спортнинг турмушимиздаги аҳамиятини тушуниб етиши, шундан сўнгтина бу мураккаб вазифага чуқур масъулият ҳисси билан ёндашиши керак. Ўйлаб кўрайлик, бирорта футбол гуруҳи тузилмаган ёки ҳеч бир спорт тўгарагига эга бўлмаган маҳаллада спорт ишларини қай тарзда намунали йўлга қўйиш мумкин? Бундай шароитда маҳалла болаларини спорт ўйинларига жалб этиш осон кечармикин? Имкондан имкон қидириш деган гап ҳам бор. Агар маҳалла оқсоқоли тадбирли ва қизиқувчан бўлса спортни ҳар бир оилада тарғиб эта билади. Бугун нафақат оқсоқол, балки ўз болаларини спортга жалб қилишга бепарво бўлган отаонадан ҳам хафа бўлишга ҳақлимиз. Илгариги оилалардаги болалар ҳаракатли ўйинлар билан шуғулланганлар. Майсазорларда кураш, арқон тортиш, қувлашмачоқ, чавандозлик сингари миллий ҳаракатли ўйинлар ўйналган. Кўпинча бундай ўйинларга катталар ҳам алоҳида эътибор билан қараганлар.

Умуман, болалар ўртасида азалдан ўйнаб келинган миллий ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти нималарда кўринади?Шуни бир таҳлил этайлик. Масалан, «Зув-зув» ҳаракатли ўйини шифокорларнинг айтишича болани тўғри нафас олишга ўргатиш жараёнида унинг ўпка тизимининг равон ишлашига имкон яратаркан. «Оқ теракми, кўк терак» ўйини давомида бола ўз гуруҳини «рақиб гуруҳ»дан ҳимоя қилиш орқали ўзгаларга ён босишни ўрганади. Шунингдек, «Беш тош» ўйини болани аниқликка амал қилишни, «Тўп ҳаволатиш» эса диққатни бир нуқтага жамлашни, асфальтга сурат чизиш машғулоти зукко бўлмоқликни, «Сопалак» рақамларни тез ҳисоблашни болага ўқтира боради. Агар маҳалладаги ҳар бир оилада шундай ҳаракатли ўйинлар йўлга қўйилса ва катталар ҳам бунга алоҳида эътибор билан қараб, болани ўз вақтида рағбатлантириб туришса миллий ҳаракатли ўйинларнинг маҳаллаларимиз турмуш тарзидаги аҳамияти бир неча ҳиссага ортган бўлур эди...

Спорт болада кучлилик, жасурлик ва шижоаткорлик хусусиятларини тарбиялабгина қолмай, балки унинг ақлан камолга етишида ҳам муҳим ўрин тутади. Шундай экан, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш учун аввало уларни спортнинг барча турларига жалб этиш ва бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифаларидан бири саналади. Бунга эса маҳалла оқсоқолларининг шу соҳага қизиқиши, жойларда спорт майдончалари, стадионлар қуришдаги иштироки, борларини ҳашар йўли билан таъмирлашни уюштириши, умуман фаоллар билан кенгашиб, маҳаллада спорт ишларини жонлантиришдаги фидойилиги туфайлигина эришиш мумкин.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қароридан сўнг бу борадаги ишлар янада жонланди.

БОЛАЛАРГА МАЙДОН ОЧИҚ

Самарқанд вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан вилоятдаги барча лицей ҳамда коллежларининг спорт иншоотлари маҳалла болалари учун очиқ деб эълон қилинди.

Ушбу таълим тизимида 80 та ўқув муассасаси бўлиб, уларнинг 36 таси янгидан қурилган ва қайта таъмирланган касб-ҳунар коллежларидир. Улар тўла таъминланган спорт базасига эга. Қолган ўқув юртларида ҳам спорт билан шуғулланиш имкониятлари мавжуд. Эндиликда маҳаллалар болалари барча коллеж ва лицейларнинг спорт иншоотларида ўзлари истаган спорт турлари билан бепул шуғулланишлари мумкин.

Вилоят касб-ҳунар таълими тизимида бугун икки юзга яқин жисмоний тарбия ўқитувчиси ёшларга сабоқ бермоқда. Мавжуд 633 та спорт тўгарагига маҳалла болалари, шунингдек, спорт иншоотларида ёшларни жисмоний чиниқтириш, мактаб ва маҳалла спорт йўриқчилари ишини такомиллаштириш учун малакали спорт мутахассислари жалб этилади.

У.РЎЗИЕВ

Конкурс-кўргазма якунланди

ТАЯНЧ ПУНКТИ — МАҲАЛЛА ТАЯНЧИ

Жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда милиция таянч пунктларининг салмоқли улушлари бор. Агар ушбу тузилма фаолияти ўзини ўзи бошқариш ва жамоат органлари, педагог-тарбиячилар, профилактика инспекторлари кучгайрати билан уйғунлаштирилса, ўзаро ҳамкорлиги чуқурлаштирилса борми - кўзда тутилган самарага тезроқ эришиш мумкин. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган конкурс-кўргазма сўнгги босқичининг асосий мақсади ҳам инфратузилмани такомиллаштириш борасидаги ташкилий-амалий ишларни намунали, энг мақсадга мувофиқ даражада йўлга қўйган, фаол хизмат кўрсатишга эришган милиция таянч пунктларини аниқлаш, илғор иш тажриба ва услубларини кенг ёйишдан иборат эди. Дастлаб, конкурс-кўргазма йил якунига кўра шаҳар, туманларда, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўтказилиб, уларда олдинги уч ўринни эгаллаган милиция таянч пунктлари ҳамда йўналишлар бўйича ғолиблар тўғрисида ҳудудий ҳайъатларнинг хулосалари, баённомалари, фотоалбомлар ва видеотасмалар Республика ҳайъатига тақдим этилганди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши курашда Ички ишлар вазирлигининг профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида»ги ҳамда 2002 йил 16 майдаги «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорлари талабларидан келиб чиқиб, Республика Ички ишлар ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қўшма қарорига асосан ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

Суратда: «Тико» автомашинаси билан мукофотланган ғолиблар.

2

* ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИДА «НУРОНИЙ» МАРКАЗИ
* СОЛИҚЧИ ХУРМАЧА ҚИЛИҒИ УЧУН ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

3

* ТАРИХДАН СЕРИАЛ ИЗЛАГАН ОЛИМГА НИМА ДЕЙСИЗ?
* ОТАНГГА ТОШ ОТСАНГ...

4

* МАҲАЛЛАНИНГ МАОШСИЗ ФИДОЙИЛАРИ ЎТГАН
* ТЎЙ-МАЪРАКАЛАР СОНИ КАМАЙДИ

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги

00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:

Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Янги тузилмалар:

ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗЛАРИНИНГ МАВҚЕИ

Фарғона вилояти

2001 йилнинг 31 январида фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимларининг қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида «Нуроний» жамғармасининг жамоатчилик марказларини ташкил қилиш ҳақида қўшма қарори қабул қилинган ва у Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган эди.

Бундан кўзланган асосий мақсад қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган отахонлар, мунис онахонлар, эҳтиёжманд қариялар ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда жойларда хайрия ишларини жонлантириш эди.

Жамоатчилик маркази раислигига катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган энг обрўли, фаол фахрийларни сайлаш, улар айни пайтда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг жамоатчилик асосида фахрийлар билан ишловчи ўринбосарлари бўлишлари кўрсатиб ўтилди.

Фуқаролар йиғинларида жамоатчи раислар учун алоҳида хоналар ажратилиб, уларнинг эмин-эркин ишлашлари учун қулай шароит яратилди.

Йиғин ва жамоатчилик марказлари раисларининг ҳамкорликда ишлашлари тезда ўзининг ижобий натижасини кўрсата бошлади. Бу айниқса «Қарияларни қадрлаш» йилида яққол кўринди.

Ҳамиша элим деб, юртим деб ёниб яшаган ва ишлаган инсон фахрийликка чиққандан кейин ҳам бекор туролмайди. Бугунги кунда жамоатчилик марказларининг кўпчилигига ана шундай ишчан фахрийлар раислик қиляпти.

Шулардан бири Ҳамроқул ота Ўринбоевдир. У ҳозир 80 ёшда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Беш ўғил, икки қизнинг отаси, йигирмадан ортиқ набираларнинг бобоси. Ишламаса ҳам бинойидек яшаши мумкин эди. Лекин ҳамқишлоқлари жамоатчилик маркази раислигига тавсия қилишганда йўқ демади. Ишга астойдил киришди. Қизилқақир қишлоқ фуқаролар йиғини биносидан шинам хона жамоатчилик марказига ажратилиб, жиҳозлаб берилди. У тезда фаол нуронийларнинг доимий манзилига айланди. Бу ерда қишлоқ аҳолиси, қариялар, айниқса ёлғиз ногиронлар, уруш қатнашчилари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўласиз.

Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нўъмонжон Кенжаевнинг айтишича, марказ бугунги кунда йиғиннинг ишончли, энг нуфузли ёрдамчиси бўлиб қолган. Марказ фаоллари саъй-ҳаракати билан биргина ўтган йилнинг ўзида 400 минг сўмга яқин маблағ қишлоқдаги муҳтож оилалар, ногиронларга ёрдам сифатида берилди. У асосан тадбиркор ва ҳомийлардан хайрия йўли билан тўпланган. Маҳаллаларни ободонлаштириш, тўй ва маросимларни ихчам қилиб чиройли ўтказиш, якка-ёлғизлар ва беморлар ҳолидан хабар олиш каби хайрли ишларга ҳам Ҳамроқул ота бошлиқ фаол фахрийлар бош-қош бўлишяпти.

Ғаниобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳузуридаги Аминжон ота Йўлдошев раислик қилаётган жамоатчилик маркази ҳам кўплаб хайрли ва савобли ишларни амалга оширяпти. Йиғин ҳудудидаги ўнта маҳаллада 20 мингдан ортиқ аҳоли яшаса, уларнинг 2370 нафарини фахрийлар ташкил қилади. Бу ердаги тадбиркорлар ободончилик, хайрия-эҳсон ишларида ўз мурувватларини аямайдилар. Ўтган йили улар ташаббуси билан 4 та маҳаллада «Оталар чойхонаси» очилди, 800 минг сўмга яқин маблағ ногиронларга, муҳтож оилаларга тарқатилди.

Бугунги кунда Ёзёвон туманидаги 9 та қишлоқ ва 29 та маҳалла фуқаролар йиғинларида «Нуроний» жамғармасининг жамоатчилик марказлари ишлаб турибди.

Марғилон шаҳридаги Бобур номли маҳалла жамоатчилик маркази раиси Иброҳимжон Умаров томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам мақтовга сазовордир. Маҳаллада 1550 дан ортиқ фахрий яшайди. 90-100 ёшдан ошган қариялар, ногиронлар, якка ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, уларнинг шароитларини яхшилаш, зарур тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамиша жамоатчилик маркази фаолларининг диққат марказида бўлмоқда. Янги йил олдидан 104 ёшли Фотима момо Мамажоновага 35 минг сўмлик чинни идишлар совға қилинди. 6 нафар ёлғиз қария ҳомийларга биркитиб қўйилди.

Йиғин раиси билан биргаликда маҳалла аҳолисининг бандлиги, ёшларни иш билан таъминлаш ҳисоб-китоб қилиб борилади. Шу йўл билан кейинги вақтларда 60 нафар киши ишга жойлаштирилди.

Жамоатчилик маркази ҳудуддаги 18 ва 20-мактаблар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Турли мавзуларда фахрийлар билан ўқувчиларнинг учрашувлари тез-тез ўтказиб турилади. Мактаблардаги тарбияси оғир 7 нафар ўқувчига фахрийлар биркитиб қўйилган.

Қодир ШОДМОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

ТАЯНЧ ПУНКТИ — МАҲАЛЛА ТАЯНЧИ

(Давоми. Аввали 1- бетда.)

Тадбирнинг сўнгги босқичи «Туркистон» санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, намунали милиция таянч пунктлари ўртасидаги Республика конкурс-кўргазмасини ўтказиш Ҳайъати Раиси Ҳамидулла Кароматовнинг кириш сўзи билан тантанали очилди.

Сўзга чиққан нотиқлар ўтказилган ушбу тадбирнинг мамлакатимиз бўйича тутган ўрни, аҳамияти хусусида гапириб, бундай конкурс-кўргазмалар айниқса Обод маҳалла йилида қўпроқ самара келтириши, ибратли милиция пунктлари фаолиятини оммалаштириш эса кўзланган натижаларга тезроқ эришиш имконини бериши тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кейин ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Республика конкурс-кўргазмасида тўртта 1-ўринни олган Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Феруза маҳалласидаги 75-сонли Милиция таянч пункти (профилактика катта инспектори милиция капитани Равшан Қурбонбеков), Самарқанд вилояти Темирйўл тумани Тонг маҳалласидаги 46-сонли Милиция таянч пункти, (профилактика катта инспектори милиция капитани Машраб Асроров), Наманган вилояти, Давлатобод тумани Тўқувчи маҳалласидаги 3-сонли Милиция таянч пункти, (профилактика инспектори милиция катта лейтенанти Шуҳратжон Мукаррамов), Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Гулистон маҳалласидаги 1-сонли Милиция таянч пункти (профилактика катта инспектори милиция лейтенанти Сапарбой Жумамуратов)ларга Ички ишлар вазирлиги томонидан қўйилган мукофот - «Тико» енгил автомашинаси калити топширилди. 2- ва 3-ўринга лойиқ кўрилган милиция таянч пунктларига эса, Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари мукофотлари - компьютер тўпламлари берилди. Улар «Энг фаол маҳалла оқсоқоли», «Энг фаол педагог-тарбиячи», «Энг фаол хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси» ва бошқа номинациялар бўйича ғолиблар телевизор билан тақдирландилар. Ғолибларга мукофотларни вазирликлар, Ички ишлар идоралари масъул вакиллари, шу жумладан, Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Гадойбоев топширдилар.

Тадбир Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта концерти билан якунланди.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Mahalla» мухбири.

СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

...МУТАСАДДИЛАР УЧУН

Айни кунларда «Обод маҳалла йили» дастури доирасида Тошкент Аграр университетида Тошкент вилоятида фаолият юритувчи ширкат ва фермер хўжаликлари, вилоят ва туманларнинг сув ва қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг раҳбарлари ва мутасадди ходимлари учун семинар-йиғилиш ўтказилмоқда. Семинар қатнашувчилари энг аввало Тошкент вилоятининг энг обод, намунали фаолият юритаётган маҳаллалари мисолида том маънодаги обод маҳалла қандай бўлиши кераклигини таҳлил қилдилар. Ўз навбатида маҳаллаларнинг ҳар томонлама обод бўлиши учун семинарда қатнашаётган мутасадди ташкилотлар ва уларнинг раҳбарларидан қандай саъй-ҳаракатлар талаб этилиши масаласи ҳам қизғин мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзамжон Гадойбоев маъруза қилди. Семинар 31 январгача давом этади.

Мастура ҚОРАБОЕВА

...ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН

«Адвокат» журнали таҳририяти, Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ва «Евроосиё» жамғармаси ҳамкорликда журналистларнинг касб маҳоратини, ҳуқуқий билимларини оширишга йўналтирилган давомли семинарларни ўтказмоқда.

«Журналист. Қонунни билиш ва ҳуқуқий мавзуларни ёритиш муаммолари» мавзусидаги биринчи семинар ўтган йилнинг сўнгги ойида бўлиб ўтган эди. Яқинда бўлиб ўтган иккинчи семинар «Фавқулодда вазиятлар ва қуролли можароларни ёритиш, халқаро гуманитар ҳуқуқда журналистлар ҳимояси» мавзусига бағишланди. Мавзу юзасидан Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси Г.Тансиқбоева, Қизил ХОЧ халқаро қўмитаси ходими Е.Волошина ва «Фуқаро муҳофазаси» журнали ходими З.Илёсоваларнинг маърузалари тингланди. Семинарда республикамиз марказий нашрларидан, шунингдек, вилоятларда фаолият юритаётган журналистлар ҳам қатнашдилар. Семинар баҳс-мунозарага бой тарзда, қизғин ва қизиқарли ўтди.

Мухбиримиз.

Эл корига яраётганлар

ҚАЕРДА АҲИЛЛИК - ШУ ЕРДА БАРОКАТ

Норсоат аканинг бир фазилати - бозорлар жойлашган ҳудуддаги маҳалла оқсоқоллари билан ҳамжиҳатликда ишлаши, маҳалла тадбирларига ҳисса қўшишга имкон топиши ва бундай муносабатни ўз ходимларидан ҳам талаб этгани унинг ҳурматини янада оширди.

...Вилоят бозорлар уюшмаси иши юришмай қолганди. Бу ҳол туманлардаги деҳқон бозорларига ҳам салбий таъсир кўрсатаётган эди. Республика ҳукумати томонидан бозорлар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилингач, бу борада қатъий чора-тадбирлар белгиланаётган бир пайтда Н.Нориев вилоят бозорлар уюшмасига раҳбар этиб тайинланди. Бунгача у ўн етти йил шу соҳада ишлаб, анча тажриба орттирган эди. Изланишлар бесамар кетмади. Тез орада корхона фаолияти изга тушди. Камчиликлар бартараф этилди, йирик шаҳарлардаги ишлаб чиқариш жамоалари билан шартномалар тузилди.

Албатта, жойларда раҳбарнинг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги кўп нарсани белгилайди. Шу боисдан бозорнинг масъул ходимлари малака синовидан ўтказилди. Ҳатто бир нечталари эгаллаб турган вазифаларига нолойиқ, деб топилди. Шундай қилиб, бозорлар фаолиятида туб ўзгаришлар ясалиб, улар юрт кўркига кўрк қўшиб, эл маъмурчилигига муносиб улуш қўшадиган масканга айлантирилди. Бозорлар фаолиятига кескин талаблар қўйилган айни дамларда айниқса ушбу ташкилотнинг фаолияти янада қизғинлашди.

Мана, бир неча йилдирки Н.Нориев Ангордаги «Нон» ҳиссадорлик жамиятига раислик қилмоқда. Бу вазифа ҳам чуқур масъулиятни талаб қилади. Негаки, корхона Ангор, Шеробод, Термиз туманларида жойлашган ҳарбий қисмларни нон ва нон маҳсулоти билан таъминлайди. Корхонада биргина нон эмас, қатор қўшимча тармоқлар ҳам ишга солинган. Беш хил қандолат маҳсулотлари, яхна ичимликлар эл дастурхонига тортиқ этилмоқда. Хўжаипокнинг маъданли суви ҳам шу ерда қадоқланяпти. Агар буни рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, бу ерда тайёрланадиган иссиқ нон кунига 5-6 тоннани, қандолат маҳсулотлари 250-300 килограммни, макарон 200-250 килограммни ташкил этаётир. Ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш 25-30 миллион сўмдан ошмоқда. Корхона ўзининг бўрдоқичилик мажмуига эга. Унда етиштирилаётган гўшт, сут ишчилар ва бир неча маҳалла аҳлига бозор нархидан анча арзонга сотилмоқда. Бундан ташқари, ҳиссадорлик жамиятининг фаолияти кенгайиб боргани сари, янги иш ўринлари кўпайиб, ўнлаб маҳалла фуқаролари мунтазам иш билан таъминланмоқда. Демак, туман маҳаллалари аҳлининг фаровонлиги ортишида «Нон» ҳиссадорлик жамиятининг ҳам сезиларли ҳиссаси бор, албатта.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Тадбир

МАРОСИМЛАР МАНМАНЛИК ВОСИТАСИ ЭМАС!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари республика илмий услубий маркази Шайхонтоҳур туманидаги Тинчлик маҳалласида «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз» мавзусида тадбир ўтказди.

Тадбирда услубий марказнинг барча вилоятлардаги ва Қорақалпоғистон Республикасидаги бўлимлари раҳбарлари ва ходимлари ҳам қатнашдилар. Унда илмий услубий марказнинг бадиий гуруҳи ва таклиф этилган санъаткорлар ижросида маросимларни ўтказишда рўй бераётган дабдабабозлик, исрофгарчилик, манманлик иллатларини қаттиқ танқид қилувчи ва аксинча тадбирларни қай тарзда ихчам қилиб ўтказилишини ифодаловчи ибратли саҳна кўринишлари намойиш этилди.

- Тўй қилиш арафасида юрган ёки таъзия маросимига ҳозирлик кўраётган киши ортиқча сарф-харажат қилаётганини, унинг бу ҳаракати одамларда қандай таассурот қолдираётганини ўзи сезмаслиги мумкин. Мана шундай тадбирлар, бу ерда ижро этилган саҳна кўринишлари орқали фуқароларимизни ўзларини четдан кузатиш ва манманлик иллатидан халос бўлишга даъват қилади, - дейди Тинчлик маҳалласи оқсоқоли Озода Аъзамова. Ушбу тадбирда нафақат Тинчлик маҳалласи фуқаролари, балки бу маҳаллага қўшни бўлган Илғор, Жарариқ маҳаллалари аҳли ҳам қатнашгани тадбирнинг таъсир кучини янада оширди.

Мухбиримиз

Янгийўл қишлоқ фуқаролар йиғини Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги Қосим Раҳматов номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Бу ерда айни кунларда ободонлаштириш ишлари қизғин кетмоқда. Хўжалик раиси Абдуғани Эшонқулов (юқоридаги суратда ўртада), йиғин раиси Мейли Бозоров (чапда) ва хўжалик бош ҳосилоти Абдувоҳид Тўхтаев Обод маҳалла йилида амалга ошириладиган ободонлаштириш ишлари ва маданий-маърифий тадбирларни бамаслаҳат белгиламоқдалар.

М. ХЎЖАМБЕРДИЕВ олган суратлар

Лўқма

ТАРАБИЯЧИ ҚАЕҚДА, РАИС?

Қашқадарё вилояти

Миришкор туманидаги Вори қишлоқ фуқаролар йиғинига ташриф буюрганимда энг аввало, педагог-тарбиячилар фаолияти билан қизиқдик.

Икки кундирки уни учрата олмадик. Ниҳоят, фуқаролар йиғинининг раиси Ўрол Ғофиров тарбиячи-педагог фаолиятига шундай изоҳ берди:

- Ҳа, тарбиячи-педегогни яқиндагина тайинладик. Унинг иш дастурини ҳали олиб келмаганлигимиз боис ёшлар ота-оналари билан суҳбат уюштириш билангина кифояландик. Дастурни олиб келсак, ҳаммасини йўлга қўямиз.

Мен унга тарбиячи-педагоглар фаолияти тўғрисидаги Низом 2002 йилнинг ноябр ойида газетада икки марта чоп этилганини маълум қилдим.

- Қайси газетада?

- «Mahalla» газетасида...

Оқсоқол газетага обуна бўлмаганлигини рўйи-рост айтди.

- Унда маҳаллалардаги янгиликлардан қандай бохабар бўляпсиз? Жавоб эса йўқ.

Хусния ПАРДАЕВА

Орамиздан чиққан...

БИЛИБ БОСДИ ТИКОННИ

Туппа-тузук обрў-эътиборга эга бўлган солиқчи нафс йўлига кириб қопқонга илинди.

Бўкалик Фахриддин Абдуллаевни ҳаётда омадсиз одам демаса бўларди. У ўқиб, олий маълумот олди. Уйланди, уч нафар фарзандли бўлди. Унга шу туман солиқ инспекцияси бошлиғи муовини лавозимини ишониб топширишди.

Унинг ҳалол, яхши турмуш кечириши учун нимаики зарур бўлса, деярли барчаси бор эди. Аммо «семизликни қўй кўтаради» деганлари рост экан.

Кунларнинг бирида Бўка тумани ДСИ томонидан тузилган тезкор гуруҳ билан Бўка шаҳар Н.Алиев кўчаси 66-уйда яшовчи Гулқиз Худоёрованинг ўз хонадонида ноқонуний равишда тегишли рўйхатдан ўтказмай туриб мойжувозда пахта ёғи ишлаб чиқараётганини аниқлади. Ушбу ҳолат юзасидан тўпланган материаллар Бўка туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлимига оширилди. Ўз навбатида бу бўлим ҳам жиноятни таҳлил этиб, туман судига юборди. Суд эса мазкур ишни қонун доирасида холисона кўриб чиқиб, айбдорни тегишлича жазога тортди. Г.Худоёрова содир этган ноқонуний ишга нуқта қўйилди, яъни унинг ноқонуний пахта ёғи ишлаб чиқариш фаолияти тўхатилди. Ҳатто марказий газеталардан бирида «Шубҳали «Дамас» изидан» сарлавҳали мақола босилиб, унда Г.Худоёрованинг ноқонуний ҳаракати ҳам қисқача қайд этиб ўтилди. Бу ҳолат Бўкада анча шов-шувга сабаб бўлди. Бундан Г.Худоёровалар ҳам ташвишга тушишди.

Фахриддин Абдуллаевга эса худди шу керак экан?!! У кунларнинг бирида Г.Худоёрованинг ўғли Ихтиёр Жалиловни кўчада учратиб қолиб, унга солиқ идорасига бир кириб ўтиш зарурлигини уқтирди. Ихтиёр бу таклифга эътибор бермаслиги ҳам мумкин эди. Бироқ газетада чиққан мақола уни ташвишга солаётгани учунми ҳар ҳолда орадан икки кун ўтказиб бўлса-да, айтилган жойга борди. Шунда солиқчи унга ўзини солиқ қонунларининг бузилиши олдини олиш, солиқ тўловчиларни қонунларга риоя қилишларини таъминлаш мақсадида матбуотда ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб бориш, шунингдек, содир этилган қонун бузилишларини матбуотда эълон қилдириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс эканлигини уқтирди. Кейин эса Ихтиёрга онасининг ноқонуний тарзда пахта ёғи ишлаб чиқарганлиги ҳолати ҳақида матбуотда қисқача бўлса-да шарҳлар эълон қилинганлигини эслатди.

- Хўп, буларнинг ҳаммасидан хабарим бор, - деди Ихтиёр солиқчига, - нега энди мени хизмат хонангизга чақиртириб, уларни эслатяпсиз. Ахир бўлар иш бўлди-ку. Энди мендан яна нима истайсиз?

- Э, сен қанақа содда боласан ўзи? Бу масала тағин матбуотда қайта кўтариладиган бўлиб турибди. Агар онангнинг қилмишлари хусусида кенгроқ ҳикоя қилувчи бирор мақола босилиб қолса, биласанми, нима бўлади?

- Хўш, нима бўлади?

- Нима бўларди, биргина онанг эмас, бутун оила аъзоларинг билан шармандаи шармисор бўласизларку! Истагим шуки, матбуотда ўша мақолани чиқармаслик керак. Агар хоҳласанг, сен «хизмат ҳақи»сини берасан. Мен эса у мақолани матбуотда чиқартирмаслик йўлини топаман. Агар рози бўлсанг кейинроқ бўлса-да келиб менга учрашарсан.

Солиқчи ҳузуридан Ихтиёрнинг кўнгли хуфтон бўлиб чиқди. Уйига бориб, онаси билан маслаҳатлашди. Орадан икки кунни ўтказиб яна солиқчи ҳузурига кирди.

- Келдингми, - деди солиқчи айёрона жилмайиб. - Агар онангнинг қилмишлари матбуотда чиқиб, шарманда бўлишини хоҳламасанг бошлиққа битта мебел олиб келиб берасан.

- Йўқ, бу иш қўлимдан келмайди. Негаки унақа мебелга етадиган пул менда йўқ. Агар рози бўлсангиз қўлимда юз минг сўмим бор. Ўшани бераман.

- Бу кам. Ўша пулингга яна лоақал эллик минг қўшиб, Марказий деҳқон бозорига олиб бор.

Шундан сўнг солиқчи Ихтиёрга бозорда қачон учрашишини тушунтириб берди. Келишилган пайтда улар учрашишди. Таъмагир солиқчи 150 минг сўмни пора тариқасида олди. Аммо Ихтиёрнинг онаси эмас, солиқчининг ўзи эларо шарманда бўлди. У порахўр солиқчи сифатида суднинг қора курсисига ўтказилди.

Ана шунақа гаплар. Туппа-тузук обрў-эътиборга эга бўлган Фахриддин Абдуллаев нафс йўлига кириб қопқонга илинди. Бу табиий ҳол эди. Бир нарса кишини ажаблантиради. Солиқчи Ф.Абдуллаев бу иши учун жазо мавжудлигини билмасмиди? Ҳар ҳолда «Билмайин босдим тиконни» дея олмайди. Унда унга нима етишмади: ҳурмат, садоқат, виждон етишмади!

Фарҳод РАҲМОНОВ,
Тошкент вилояти Прокуратураси иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши кураш бўлими АМИБ терговчиси.
Мурод КАЛОНХОНОВ,
журналист.

Олам турфа

ТИШДАН ҚУРИЛГАН МИНОРА

Франциядаги машҳур Эйфель минорасини ким ҳам билмайди дейсиз? Минора қурилгандан буён унинг модели турли материаллардан ҳар хил катталикда ишланган.

Испаниялик Хуан Мерчан миноранинг яна бир антиқа моделини тайёрлади. У ўзининг қурилиши учун махсус ишланган уч мингта сигир тишини танлади. Бундай йирик тишлар коллекциясини у кўплаб дўстлари ёрдамида икки йил йиғди. Сигир тишларидан тайёрланган 1 метрли минорни ясашга Мерчаннинг 1 йилу 3 ой вақти кетди.

СОҚОЛ ҚЎЙИБ ҲАМ ҚУТУЛОЛМАЙСИЗ

Америконинг «Интернэшнл имеджинг системз» фирмаси изқуварлар учун ажойиб ёрдамчи ихтиро қилишди. У одамларнинг юзини танувчи ва фарқловчи машинадир.

Бу қурилма одамга (ҳатто расмга) қараб унинг 256 хил белгисини эслаб қолади. У одамни аниқ таниши учун ҳар хил ёруғликда туширилган бир неча расм кўрса бас, ҳатто қидирилаётган шахс мўйлов ва соқол қўйиб олган бўлса-да, барибир уни тўда орасидан топа олади.

Амалдаги компьютер бундай топшириқ устида кўп ўйларди. Бу машина эса жуда кўп «нейрон»лардан ташкил топган бўлиб, улар бирин-кетин эмас, бирваракайига ишлайди. У 500 тагача афт-ангорни эслаб қолади ва ўйлаш учун ўндан бир сония сарфлайди холос. Шу вақтда янги чеҳра ёдда сақланган ҳар бир чеҳра тузилишлари билан солиштирилади. Машина топилган ҳар 200 кишидан фақат биттасида адашиши мумкин.

Бундай ЭҲМлар одам кўп тўпланадиган жойларда ишлатилади.

ХАБАРЧИ ҚУДУҚ

Данияннинг Заерслев қишлоғи аҳолиси об-ҳаво эртага ёки бир неча соатдан кейин қандай бўлишини майин хуштак овозига қараб белгилайдилар.

Аслида об-ҳаво бюроси бажариши керак бўлган бу ишни қудуқ бажаради. Қудуқ қопқоғига халқ устаси томонидан яратилган хуштак ўрнатилган. Айнан ўша қудуқнинг қопқоғига ўрнатилган хуштак бир неча соатдан кейин ёмғир ёғиши ёки куннинг қизиб кетиши ҳақида хабар беради. Бунинг сири эса жуда оддий. Ҳаво босимининг ўзгаришига қараб қудуқ ўзига ҳаво тортади ёки аксинча, чиқаради. Ана шу жараёнда қудуқ қопқоғидаги хуштак об-ҳавони характерловчи овоз беради.

Жиззах

Янги лавозим

ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИ ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?

Бутун мамлакатимиздаги сингари Жиззах вилоятида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари штат таркибида ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи 218 нафар педагог-тарбиячи лавозимлари жорий этилди.

Уларга 2002 йил учун республика Молия вазирлиги томонидан 24 млн. 181 минг сўмлик маблағ ажратилди. Хўш, бу маҳалла ходимлари фаолияти қандай бораяпти?

Жамоатчи мухбиримиз Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Дўстмурод НОРМАМАТОВ билан педагог-тарбиячиларнинг ишини ташкил этиш, уларнинг келгусидаги вазифалари мавзуида суҳбатлашди.

- Ҳукуматимизнинг Қарори асосида маҳалла фуқаролар йиғинларида педагог-тарбиячилар лавозимининг киритилиши ёшларга бўлган эътиборнинг ниҳоятда муҳимлигидан далолат беради ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига шарт-шароит яратилишига хизмат қилади. Яқинда вилоят ҳокимлигида милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган семинар-йиғилиш ана шу долзарб мавзуга бағишланди.

Педагог-тарбиячилар фаолияти бўйича «Низом» талабига кўра ушбу лавозимга кадрларни танлаш шаҳар, туман ҳокимликлари ва ички ишлар идоралари раҳбар ходимлари билан келишган ҳолда маҳалла фуқаролар йиғини қарори билан амалга оширилади.

Ҳозиргача вилоятдаги ўзини ўзи бошқариш органларида педагог-тарбиячилар фаолият бошладилар. Мазкур лавозимларни малакали, ҳаётий тажрибага эга бўлган олий маълумотли тарбиячилар билан тўлдиришга алоҳида эътибор берилди. Педагог-тарбиячиларнинг 123 нафари олий маълумотли, 3 нафари ҳуқуқшунос, 10 нафари ўрта махсус педагогик маълумотли кишилардир.

Педагог-тарбиячининг асосий вазифаси - аввало ўзига биркитилган ҳудудда вояга етмаган болаларнинг самарали ҳордиқ чиқаришлари, бўш вақтни қўнгилли ўтказишларини таъминлашдан, ўсмирлар ва ёшларнинг жиноятчилик йўлига, айниқса, турли хил диний оқимлар таъсирига тушиб қолмасликлари олдини олишдан иборатдир. Педагог-тарбиячилар иши маҳалла таянч пунктлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилаяпти.

Яқинда вилоятимизда ўтказилган «Энг намунали таянч пункти» кўрик-танловида Жиззах шаҳридаги Иттифоқ маҳалласида жойлашган 24-милиция таянч пункти (профилактика катта инспектори, милиция майори Толиб Абдуалиев) биринчиликни олди ва энг кам ойлик маошнинг 30 баробари миқдорида пул мукофотини қўлга киритиб, республика мусобақасига йўлланма олди. Бунда маҳаллада фаолият кўрсатаётган педагог-тарбиячининг ҳам ўз муносиб ҳиссаси бўлди. Маҳалла педагог-тарбиячиси Шакарбой Қурбоновнинг жонкуярлиги, маҳалла фаоллари ва жамоатчиликка таяниб иш тутиши туфайли ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллада вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик кескин камайди.

Вилоятимиз бўйича 126 та милиция таянч пункти ишлаб турибди. 72 та пунктнинг яқинида спорт иншоотлари мавжуд. 46 та шахмат-шашка клуби, 18 та миллий кураш, 13 та каратэ, 5 та бокс тўгараги, 9 та бичиш-тикиш цехи, 31 та пойабзал тикиш ва таъмирлаш 36 та радиоаппаратура таъмирлаш, 12 та соатсозлик, 6 та новвойхона, 2 та миллий ҳунармандчилик, 18 та кутубхона, 31 та сартароншхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда ишлаш учун асосан вояга етмаган ёшлар жалб этилган.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар 15 фоизга камайди. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар кўрсаткичи айниқса, Ғаллаорол, Пахтакор, Зафаробод, Мирзачўл туманларида сезиларли қисқарди.

Зиммамиздаги вазифа - жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилиш, «Обод маҳалла йили»да янада улкан вазифалар турганини доимо ҳис этиб ишлашимиз лозим бўлади.

Суҳбатдош: А.АЗИМОВ.

«Ободнома» ёдномаси

МАҲАЛЛАГА БАХШИДА УМР

Журналист ён дафтаридан

Маҳаллага меҳр қўйган яшар бардавом,
Эл-улус ёд этар, ардоқлар замон

Истиқлолга, дориломон кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун ҳам озодликни соғиниб, мустақиллик йўлида курашиб ўтган аждодларимизни, маҳалла оқсоқоллари, жонкуярларини дуолар билан эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Уларнинг охиратлари обод, руҳлари шод бўлсин. Ворислик ҳаққини оқлаб, уларнинг орзуларига муносиб ва садоқатли бўлиш инсонийлик бурчимиздир. Зеро бу савобли саъй-ҳаракатимиз, ўтганлар қатори, тириклар учун ҳам қадрлидир.

Куни кеча, ён дафтаримни варақлаб анчагина эскириб қолган ёзув билан мазкур суратни топиб олдим.

Сурат 1960 йилларда олинган эди. Отанинг бирлари 74, телпакдагилари 60 ёшда эдилар. Тошкентнинг ўша вақтдаги Октябр туманига борганимни эсладим. Ўшанда Ижроком раиси Ғуломназар Абдурасулев бу суратдагиларга баҳо берганди.

- Ҳамма танийди бу ҳурматли отахонларни. Сал олдин келганингизда икковлари ҳам шу ерда эдилар. Сира тиниб-тинчишмайди, эл-юрт деб, эслари кетади. Баъзи маош олиб ишлаётган ходимларимиз ҳам ўз вазифаларида улардек жон койитишмайди.

Ҳа, маош ҳам олишмайди, ҳақли дам олишга ҳам чиқишмайди, иш соатларининг чегараси ҳам йўқ. Улар ўз касбларидан ташқари бажонидил бажариб келаётган иккинчи касб, фахрли жамоатчи деган ном эгалари. Улар юксак онгли, халқ ўз манфаатлари йўлидаги ҳар қандай меҳнатни қадрлашини, улуғлашини яхши тушунадиган кишилар улар.

Ўшанда отахонлар билан қилган савол-жавобим эсимда:

Суратда: (чапдан ўнга) Маҳмуд ота Тўраев ва Назирбек ота Абдубековлар.

- Ўзингизнинг маҳалладаги ишингиздан хурсандмисиз?

Отахонлар ўйлаб ўтирмай, маслаҳатлашиб олгандай, бир оғиздан мамнунмиз дейишди:

- Албатта, бу марднинг иши, кўпчиликни яхши кўрадиган кишиларнинг иши, - дейди улардан бири.

- Мен, ҳаммага мансуб, ўз бурчимни бажаряпман, деб ўйлайман, - дейди яна иккинчилари.

- Мен, бир гапни сизга айтай-да, - дейди отахонлар, - бизда ҳурмат қилинмайдиган, инобатга олинмайдиган касб, амал йўқ. Илло, ҳурматини йўқотиб қўйган, сўзи кесмайдиган ходимлар бор. Тўғрими!

- Тўғрику-я...

- Айтаверинг, нега тўхтаб қолдингиз?

- Гапингизнинг қитдек ҳам чиқитга чиқадиган жойи йўқ. Аммо, меҳнат этишади, шундайми?

- Шундай.

- Лекин, сиз бир нарсани унутманг, бир кун келиб маҳаллада бу ҳам бўлади. Жамоатчилик ҳам фахрли касб. Қийин, машаққатли шу билан бирга жуда мароқли, беқиёс касб.

Хуллас, доим йўқланиб, кимгадир кераклигингизни сезиб турганингизда, бутун диққатингиз ёзилиб, чарчоқларингиз чиқиб кетади. Кишига бундан ортиқ мукофот борми.

Ҳар бир касб, амал эгаси, ўз касбидан ташқари, яшаган жойида жамоат ишига ҳам қўлдан келганча, имкони борича қатнашиши керак.

Афсуски, жамоат ишини «қора» иш, бекорчиларнинг иши, пенсионерларнинг иши, деб очиқдан-очиқ муносабатда бўладиган ёки вақти «йўқлигини», «чарчаганини», «касаллигини» баҳона қилиб халққа аралашмайдиган кишиларнинг бўлишига сира йўл қўймаслигимиз даркор.

Ҳозирги яратилган имкониятлар, демократик жиҳатлар, хайрихоҳлик бўлганида, оталарнинг эзгу ниятлари тез ва соз рўёбга чиқишини ҳис этаман. Ўша вақтда бу оталарнинг бугуннинг одами бўлиб яшаганлари билан фахрланаман.

Лекин, собиқ шўролар тузуми шароитида ҳам, қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деганларидек маҳалланинг обрўсини, қадриятларини сақлаб яшаган отахонларга қойил қоламан.

Телпаклик отахонимиз Назарбек ота Абдубеков 40 йилдан ортиқ Ўзгент маҳалласига оқсоқоллик қилганлар. Ўзларининг адлия соҳасидаги ишлари билан инсонпарварлик фазилатларини зукколик билан қўшиб олиб борганлар. Маҳалланинг обод, озода бўлишига катта эътибор берганлар. Туман депутати бўлиб, маҳалла аҳлининг оғирини енгил этишга ҳаракат қилганлар. Биринчилардан бўлиб, маҳаллада Оқсоқоллар, Хотин-қизлар, ободончилик кенгашларини жорий қилишга бош-қош бўлганлар. Маҳаллада янги мактаб қуриладиган бўлганда халқ ҳашарларини уюштирганлар. Саводхонлик тўгаракларини очиб, дарс берганлар.

Дўппи кийган отахонимиз Маҳмуд ота Тўраев Тошкентнинг эски шаҳрини, маҳаллаларини сув билан таъминлашда, боғ-роғлар яратишда ҳамиша камарбаста бўлиб умр ўтказганлар.

Маҳаллалар чалажон қилиб қўйилган бир тузумда, унинг чиғириғидан эсон-омон ўтган маҳаллаларимиз, уларнинг сарварлари, фаоллари ҳамиша дилимиздадир.

Расул РАҲМОНОВ, фахрий оқсоқол.

Репродуктив саломатлик нима?

ЮНЕСКО ҲАМКОРЛИГИ

Маълумки, БМТнинг Аҳолишунослик ва ЮНЕСКО ташкилотлари мамлакатимиз ҳукумати билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни, репродуктив саломатлик ва гендер муаммоларини сиёсий ва оммавий нуқтаи назардан қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳаси доирасида фаолият юритиб келмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа, Тўрткўл, Амударё ва Беруний туманларида маҳаллалар оқсоқоллари, Саломатлик институти маркази, хотин-қизлар комиссияси ходимлари иштирокида кенг қамровли тадбирларни амалга ошириш мақсадида семинар бўлиб ўтди.

Хўш, репродуктив саломатлик, деганда нималарни тушунамиз?

Ушбу ибора инсоннинг тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий фаровонлиги ҳолатини ифодалаб, у инсонларда хавфсиз жинсий ҳаёт кечириш, фарзанд кўриш ҳамда ўз ихтиёрига кўра оилани соғлом шакллантиришнинг хавфсиз, самарали ва қулай усулларидан фойдаланиш имкониятларини назарда тутади.

Бу ўринда турмуш қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтилиши шарт деган хулоса олға сурилганлиги бугунги давр талабидир. Бу ёшларнинг даволаниши ва соғлом фарзанд кўришига замин яратади. Аёллар учун фарзанд кўришнинг энг қулай даври 20-30 ёш оралиғи ҳисобланади. Эрта (15-16 ёшда) ҳомиладор бўлиш туғилиш жараёнида она ва боланинг соғлиғига хавф солиши мумкин. Аёл 35 ёшдан кейин ҳомиладор бўлса, носоғлом фарзанд туғилиши эҳтимоли ортади. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан ақлан заиф, жисмонан майиб-мажруҳ бола туғилиши энди ҳеч кимга сир эмас.

Шундай қилиб ҳар бир йигит-қиз турмуш қурар экан, оилани соғлом шакллантиришга интилмоғи лозим. Чунки ота-она саломат бўлгандагина ундан соғлом фарзанд дунёга келади.

Туғруқ оралиғининг қисқа бўлиши нималарга олиб келади? Биринчидан, онада камқонлик ривожланади ва унда турли зарур озиқ моддалар етарли даражада бўлмайди.

Туғруқ оралиғидаги муддатни сақлашнинг фойдаси шуки, аёл саломатлиги тўлиқ тикланади. Оналар ва болалар ўлими камаяди. Болага эътибор бериш имконияти ортади ва у соғлом ўсади. Навбатдаги фарзанднинг дунёга келиши ва яхши ўсиши учун шароит яратилади. Оиладаги иқтисодий ва руҳий муҳит яхшиланади.

Амалий семинарнинг асосий ютуғи қатнашувчи ташкилотларнинг ихтиёрий ўзаро ҳамкорликка бел боғлаганликларида кўринди. Хусусан, репродуктив саломатлик, оилавий муносабат ва уларни тарғиб қилишни мувофиқлаштирувчи жамоатчилик гуруҳларини тузиш зарурлиги қайд қилинди. Бунинг учун «Маҳалла» жамғармаси, маҳалла оқсоқоллари «Саломатлик» марказлари туман бўлинмалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.

Самин РАҲИМОВ, Республика «Маҳалла» жамғармасининг «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази директори

Бизнинг ташаббус!

Тошкент вилояти

КЎП МАРОСИМЧИЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

ёки ТЕЖАМКОРЛИК ОЗНИ КЎПАЙТИРАДИ

* Ўз дастуримиз бор
* Ийд– байрам демакдир
* «Келин кўриш» керакми?

Обод маҳалла тушунчаси ниҳоятда кенг қамровли ва инсон ҳаётининг барча жабҳаларини ўзида мужассамлаштирувчи ҳужжатдир.

Бизнинг маҳалла фаоллари «Обод маҳалла йили» вазифаларини амалга ошириш учун ана шу нуқтаий назардан ёндашиб, ҳозирча 3 қисмдан иборат дастур ишлаб чиқилди ва бу дастур, таклиф ҳамда мулоҳазалар маҳалла аҳли томонидан бир овоздан маъқулланди.

Биринчиси - Ободонлаштириш масалалари бўйича 11 банддан иборат дастур;

Иккинчиси - Обод маҳалланинг ижтимоий, сиёсий, маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатларини ўз ичига олувчи 19 банддан иборат дастур;

Учинчиси - Тўй ва маросимларни меъёрида ўтказиш билан боғлиқ бўлган 45 бандли таклиф ва мулоҳазалар.

Шунингдек, «Обод маҳалла йили» дастурини амалга ошириш билан шуғулланувчи алоҳида ишчи комиссиялари ҳам ташкил этилди. Маълумки, бу вазифаларни амалга оширмоқ учун аввало маҳалла том маънода оталик-оналик вазифасини ўтайдиган даражада бўлмоғи керак.

«...Ҳаётда шундай одат ва эскитдан қолган удумлар борки, - деб таъкидлайдилар Президентимиз И.Каримов,- уларни миллатимиз ва халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар қаторига киритиш қийин».

Жумладан, марҳумлар хотираси билан боғлиқ маросимларни олиб кўрайлик. Бундай тадбир тўкин дастурхон, дабдаба ва тантанавор маросимлардан иборат бўлмаслиги керак. Тўғри, кейинги вақтларда шундай маросим ва одатлар айрим маҳаллаларда меъёрига тушиб қолди. Уч-тўрт кунлик фотиҳагарчилик кунлари тўкин дастурхон ёзиш, «етти», «пайшанбалик», «якшанбалик», «йигирма» ва «қирқ» деб аталувчи маросимларга барҳам берилди. Булар ўрнига битта «Эҳсон» билан чегараланилмоқда. Аммо ана шу «Эҳсон» ошлари ҳам ортиқча харажат ва дабдабалардан ҳоли бўлолмаяпти. Бу маросимлар оила аъзолари, қариндош ва яқин қўшниларнинг ўзи билангина ихчам ва камҳаражат қилиб ўтказилиши ўрнига, кафе ва ресторанларда ҳатто мингта яқин кишиларнинг иштирокида ўтказилмоқда. Тўкин дастурхондан ташқари, ошдан олдин сомса тарқатиш исрофгарчиликларга сабабчи бўлмоқда.

Бизнингча, бундай маросимлар ихчам, хонадонларнинг ўзида нишонланса, ўтганларнинг руҳи шод бўлса керак. Миллий қадрият ва урф-одатларимизга ўта зид, исломий маросимларимизда умуман қайд этилмаган яна бир ортиқча маърака - бу ҳайит кунлари марҳумлар хотирасини нишонлашдир. Яъни, миллий, диний байрамни мотамнамо қилиб нишонлаш. Қадимдан мутафаккирлар мамлакати деб эътироф этилган Республикамизда ҳайит-ийд, яъни байрам эканлигини, қурбон ҳайити муборак ҳаж маросими ва қурбонлик қилиш билан, рўза ҳайити эса рамазон ойидаги оғиз очишлик, яъни 30 кунлик рўзадан соғ-саломат чиққанлик билан боғлиқ байрамона маросим эканлигини яхши биламиз-ку. Била туриб, ташвиқот ва тушунтириш ишларига қарамасдан, битта ҳайитнинг ўзида кўча эшик олдида уч кунлаб бел боғлаб туриш ва одамларнинг кўчама-кўча юриб ортиқча вақт сарфлашлари хурсандчиликдан иборат бўлган бу байрамимизнинг руҳи ва моҳиятига зид эмасми?

Яна кишини ҳайратга соладиган, айниқса, келин томон ота-онасининг елкасида оғир юк бўлиб келаётган ортиқча одатлардан бири - бу ҳайит кунлари «келин кўриш»дир. Шу хонадондаги уч кунлик сарсон саргардончиликни кўз олдингизга келтиринг-а. Келиннинг ота-онаси томонидан юборилади-ган сон-саноқсиз таомлардан иборат тугун ва тоғоралар, келин ва куёвга қилинадиган сарполар, келин хонасининг сеп ва саруполар билан безатилишини айтмайсизми?!

Маҳалламиз фуқаролари бундай маросимларни ортиқча вақт, ортиқча маблағ талаб қилувчи, ҳеч қандай тарбиявий аҳамиятга эга эмас, деб ҳисоблаб, уни оилавий тарзда ихчам ва камҳаражат билан ўтказишга қарор қилдилар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бизнинг Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролари ҳам яқинлашиб келаётган қурбон ҳайитини фақат байрамона тусда ўтказиб, марҳумлар хотираси билан боғлиқ бўлган фотиҳагарчилик маросимларини нишонламаслик юзасидан бир қарорга келдилар.

Ишончимиз комилки, халқимизнинг соғлом тафаккури, асрий тажрибаси, маҳалла фаоллари, қолаверса кенг жамоатчиликнинг қатъийяти билан «Обод маҳалла йили»нинг бошқа вазифаларини ҳам оқилона ҳал этишга қурбимиз етади.

Эркин ҒУЛОМОВ, Тошкент туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла оқсоқоли.

«Ободнома» ҳикматлари

***

ОЗОДЛИК-ОБОДЛИК. Инсоният азалдан озодликни улуғлаб, эъзозлаб, мустақиллик, эркинлик, ҳуррият учун курашиб келган.

Мозийдан маълумки, ажнабийлар зулмидан, мустабидлар исканжасидан, тутқинликдан озод бўлган эл-юртгина ободликка эришган, гуллаб-яшнаган. Шу ушалган орзу - «Озодлик-ободлик» деб лўнда, аммо теран маънода ифода этилган. Шундай ҳолатни, «Зиндондаги ширин-шарбатдан очликдаги ситам-ғурбат яхши» ибораси билан ҳам ифодалаб келган халқимиз.

***

ОБОД ҚИЛГАН - ОБОД БЎЛАДИ. Бу ҳикматнинг маъноси шуки, «Ҳовли-жойингни, юртингни обод қилсанг, кўркам бинолар, чиройли кўчалар, гуллаб-яшнаган боғ-роғлар барпо этсанг, турмуш шароитинг яхши, қулай, дилрабо бўлади; ўз қилган ишингнинг ажойиб мевасини, самарасини кўриб, дилинг равшан тортади, қалбингда фахру ғурур ҳисси пайдо бўлади; эл-юрт ўртасида бош кўтариб, ёруғ юз билан, обрў-эътибор билан юрасан; ҳаётдан кўз юмган чоғингда ҳам, номинг яхшилик ила тилга олинадиган бўлади». Ушбу насиҳат эзгулик сари етаклайди.

***

ОБОД БЎЛСА БОҒИНГ, БУЛБУЛ БЎЛУР ҚЎНОҒИНГ. Ушбу ва бу сингари бир туркум мақолларда кўчат экиш, боғ қилиш тарғиб этилади: «Бир дарахтдан ўн бўлур, ўнтасидан - ўрмон!»; «Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк»; «Отангдан мол қолгунча, тол қолсин»; «Боғбоннинг тол эккани - ўзига ном эккани»; «Кўчат эккан кўчиб кетмас»; «Кўчатни ким экса, соясида ўша ўтиради»; «Соя экмаган салқинда ётмас»; «Ўзинг ўстирган дарахтнинг меваси ширин бўлади»; «Обод бўлса боғинг, булбул бўлур қўноғинг», яъни Боғингни бўстон қилиб, мевазор, гулзор бир обод масканга айлантирсанг, ҳузурингга яхши дўстлар келиб, азиз меҳмонинг бўладилар, бу қилган хайрли ишларинг билан уларнинг олқишига сазовор бўласан. «Бир йил тут эккан, юз йил гавҳар терар»; «Олтмишингда олма эксанг, етмишингда ҳосилини ерсан»; «Боғи борнинг боли бор»;

«Боғни боқсанг боғ бўлар,
ботмон даҳсар ёғ бўлар.
Боқимсиз боғ тоғ бўлар,
юрак-бағринг доғ бўлар»;

Гулдаста тайёрлашдан олдин, гулзор яратадилар»; «Боғу бўстонлар - меҳнат маҳсули»; «Маҳалланинг ободлиги - кўнгил билан»; «Ободонлик - обрў келтирар».

МАНБАЛАР АСОСИДА.

БИР ТАДБИРДАН ИККИ САМАРА

Халқимизда «Инсон хотираси муқаддас» дегани нақл бор. Бугунги кунда юртимиз бўйлаб эл-юртга нафи теккан юрт хизматига яраган инсонларнинг хотирасига бағишлаб турли спорт мусобақалари ўтказиш яхши анъанага айланмоқда.

Яқинда бизнинг Кўкёр маҳалла фуқаролар йиғинимизда ҳам ўзининг ибратли ҳаёти билан маҳалладошларимизнинг ҳурматига эришган инсон Комилжон Позилов хотирасига бағишланган баскетбол турнири ўтказилди. Қизғин ўтган мусобақада ўнга яқин жамоа иштирок этди. Турнирда яхши натижа кўрсатган 34-ўрта мактаб жамоаси ғолиб деб топилди. Ғолиблар ҳомийлар томонидан тақдирландилар. Энг муҳими, биз бу тадбир билан ёшларимизда спортга қизиқишни кучайтириш билан бирга инсон хотирасини қадрлашга, маҳалла-қўйга нафи теккан инсонлардан ўрнак олиб яшашга қизиқиш уйғота олдик деб ўйлайман.

Махлиё АБДУРАҲМОНОВА, Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Кўкёр маҳалласи педагог-тарбиячиси.

ДЎМБИРОБОД КЎЧАЛАРИ

Қонқус анҳори кўпригидан ўтиш билан Дўмбиробод маҳалласининг Кўчқор Исҳоқов кўчаси бошланади. Кўчанинг икки томонини шинам қурилган иморатлар, мевали дарахтлар, ишкомли ҳовлилар безаб турибди.

Чап томонда Одил Қаюмов номли 131-сонли мактабнинг уч қаватли биноси савлат тўкиб турибди. Одил Қаюмов шу мактабга 30 йилдан ортиқ раҳбарлик қилган. Унинг ташаббуси билан Ўрта Осиёда биринчи бўлиб, мана шу жойда таълим устахонаси, кино кўрсатиш мажмуи, бичиш-тикиш тўгараги хоналари, спорт зали, ошхона ва буфети бўлган ўрта таълим мактаби қурилган. Ҳозир Одил аканинг кўпчилик шогирдлари ана шу мактабда ўқитувчилик қилмоқда. Бу мактабда 1000 дан ортиқ ўғил-қиз илм олятти. Мактаб ҳовлиси тугаши билан икки қаватли гўзал бинога кўзимиз тушади. Бу 444-болалар боғчаси. Қизиғи шундаки, бу боғча тарбияланувчилари мактаб ёшига етгач, боғчалари ёнгинасидаги 131-мактабга ўтиб ўқишади. Яна бир оз юрсангиз нон иси димоғингизга урилади. Бундан олти-етти йил аввал дўмбирободликлар, айниқса аёллар ҳар куни нон олиб келиш учун Бешёғочдаги нон заводи дўконига боришарди. Ахир, Дўмбиробод маҳалласида ўн саккиз мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Маҳалла фуқаролари йиғини раиси Усмон Абдуллаев бу муаммони ҳал этиш учун тегишли идораларга кўп қатнади. Ниҳоят, маҳаллада нон заводининг дўкони ишга тушди. Ҳудудда жойлашган бозорча ҳам доимо гавжум. Теварак атрофдаги қишлоқлар-далаларда етиштирилган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари шу бозорчада сотилмоқда. Унинг ёнида икки қаватли маиший хизмат мажмуи қурилмоқда.

Ширин ариғи ёқасида маҳалланинг чойхона-клуби, ошхона, новвойхона, фуқаролар йиғини идораси жойлашган. Улар ҳашар йўли билан барпо этилган. Маҳалла клуби - чойхонанинг каттагина ҳовлиси боққа ўхшайди. Бу ерда катта гулзор ўртасида баландлиги ўн бир метр бўлган ёдгорлик ўрнатилган. Ёдгорликнинг пастки қисмига иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган дўмбираободлик 82 жангчининг номи битилган. Ҳозир бу жой зиёратгоҳ бўлиб қолди.

Дўмбиробод Тошкентнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган энг катта маҳаллалардан бири. Унда 42 та кўча бор. Бу ерга таниф буюрган киши ўзини гўё мевали боғда юргандек ҳис этади. Қўли гул Фаҳриддин Қодиров қанча мевали дарахт бўлса ҳаммасини пайванд қилган. Бизнинг Қирқоғайни кўчамиздаги акация дарахтига шотут новдасини улаган. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллик арафасида айтганларидек, маҳалламиз ободлиги нафақат унинг кўркам ва чиройли экани, шу билан бирга тинчлик ва осойишталиги, одамларининг ўзаро меҳр-оқибати, аҳиллиги, уйларида қут-барака бўлишидадир.

Йўлдош МАНСУРОВ, журналист.

«050»-қутқарув хизмати хабарлари

ГИЁҲВАНДЛИКНИНГ ЯНА БИР ҚУРБОНИ

... Ўн биринчидан ўн иккинчи декабрга ўтар кечаси Чилонзор тумани 16 - даҳа 22 - уй 25 - хонадонда яшовчи фуқаро Жидкова Лариса туғишган укаси уй эшигини очмаётганлиги тўғрисида қўнғироқ қилди...

Ларисанинг айтишича, ишдан соат кечки 9-00ларда келганида уй эшиги ичкаридан беркитилган, лекин уй ичида укаси борлиги аниқ эди. Эшик қўнғироғини анча вақтгача чалишга ва тезроқ уйга киришга уринади. Бироқ, на қўни-қўшни, ва таниш-билишларнинг ҳаракатлари унга ёрдам бера олади. Бу ҳаракат ярим кечаси соат 3-00 гача давом этади. Шунда, ёрдамга келган қўшнилардан бири Қутқарув хизматига қўнғироқ қилишни маслаҳат беради. Манзилга етиб келган «050»-Қутқарув хизмати ходимлари эшикни махсус техника ёрдамида очиб киришганда йигитча наркотик моддани меъёридан кўп истеъмол қилиши натижасида бу олам билан видолашганди.

КАЛИТ ЙЎҚОЛГАНДА...

Мен Тўйтепага қариндошларимизникига кетган эдим ва эртасига қайтдим. Афсуски қайтишимда калитни йўқотиб қўйдим, қаергa қўйганимни эслай олмайман. Уйга киролмасдан уч соат кўчада тентираб ўтган-кетгандан ёрдам сўрадим ва кимдир «050»-Қутқарув хизмати борлиги, шуларга қўнғироқ қилишни маслаҳат берди, - дейди Юнусобод 4 - даҳасидаги 42 - уйнинг 1 хонадонида яшовчи Вовженян Нурсахон.

Подполковник Ш.Юлдашов бошчилигидаги Қутқарув гуруҳи айтилган манзилга етиб келганда хонадон эгаси кўчада совуқда ўтирарди. Хонадон соҳибасининг айтишича уй ичида қўшимча калит қолган, лекин уй ичига қандай кириш керак. Бунинг фақат бир йўли бор, бу ҳам бўлса балконга ўрнатилган панжарани кўчириб, дераза орқали кириш ва қўшимча калит ёрдамида эшикни очиш, панжарани эса ўз жойига қайта ўрнатиш эди. Бу ишни Қутқарув гуруҳининг сардори милиция сержанти Р.Ортиқалиев ҳамда Ш.Давлетовлар аъло даражада уддалашди. Хонадон соҳибаси шаҳримизда шундай беминнат хизмат тизими борлигидан, уларнинг ишидан қойил қолганлигини ва ўз миннатдорчилигини билдирди...

БИР ЎЗИ УЙДА ҚОЛГАНДА

...Шу куни Қутқарувчилар Юнусободдан ўз ишларини битказиб бошқармага қайтишаётганда М.Улуғбек туманида Корасув даҳаси Ф.Йўлдош кўчаси 39-уй 4-қават 8-хонадонда ҳақиқатан ҳам, онасининг эътиборсизлиги оқибатида бир ёш бола уйда қамалиб қолганлиги тўғрисида хабар олишди.

Манзилга дарҳол етиб келган қутқарувчилар болага қандай ёрдам бериш тўғрисида режа тузишди. Бу гал ҳам айвон (балкон) орқали, яъни қўшнининг айвонига нарвон ўрнатиб дераза орқали уйга кириш мумкин эди. Хуллас, қутқарувчилар болани соғ-саломат онасига топширишди.

Ўткир САИДОВ, Муҳиддин ИСОҚОВ, Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси Матбуот хизмати ходимлари.

Эълон

Ашуров Шералй Бобомуродовичга 1992 йил 24 декабрда берилган уй-жойга эгалик ҳуқуқи ҳақидаги 05-02/733-сонли давлат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.

«МИНГ БИР КЕЧА» сериал бўла оладими...?!

ёки «Телесериаллар ҳақида»

Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ, профессор.

Ўзбек адабиётида ҳам шундай телесериалларга асос бўладиган асарлар борми?

Ҳар бир миллий адабиётда, шу билан бирга жаҳон адабиётида ҳар қайси жанрнинг юзага келиши ва тараққий этиши ҳаёт ва ҳаётий воқеалар ҳамда инсоннинг маънавий эҳтиёжлари тақозоси билан юзага келади. Бизнинг давримизда кўпсерияли бадиий фильмларнинг, хусусан «Бойлар ҳам йиғлайди», «Марианна», «Муҳаббат қаҳваси», «Эсмеральда», «Қалбим чечаклари» каби телесериалларнинг пайдо бўлиши, бир мамлакат доирасидагина эмас, бошқа мамлакатларда ҳам намойиш этилаётгани тасодифий эмас. Мақсад - ҳаёт ҳодисаларини кенгроқ ва таъсирлироқ кўрсатиб беришга эришиш, инсон руҳий оламининг ичига тобора чуқурроқ кириш, олам ва одам муаммоларини шундай катта жанр воситаси билан қайтадан кашф этиш. Табиийки, шеър, ҳикоя ва қиссалар бундай талабларга тўла жавоб бериши қийин.

Шарқ адабиётларида ҳам шундай мураккаб жанр ривожига интилиш қадим замонлардан бошлаб кузатилади. Масалан, бунга араб адабиётининг буюк намунаси - «Минг бир кеча» асари ёрқин мисол бўла олади. Ундаги бир-бирига уланиб кетган қисса ва ҳикояларда турли халқларга мансуб кишиларнинг бошларидан кечирганлари, урф-одатлари, тарихи ўзининг ғоят қизиқарли бадиий ифодасини топган. Бу асарнинг бир қанча жаҳон тилларига таржима қилингани ҳам бежиз эмас. «Минг бир кеча» асосида ҳам янги сериаллар яратиш мумкин.

«Минг бир кеча» асаридан адабиётимизнинг асосчиси Алишер Навоий ҳам бехабар қолмаганлар. Улуғ шоир «Ҳазойинул-маони» мажмуасининг биринчи девони - «Ғаройибус-сиғар»га киритилган бир ғазалида ўз севгилисига бўлган ишқи ва шу ҳиссиёт билан боғлиқ ички кечинмалари, изтироблари чексиз бой бўлиб, улардан бир кеча давомида бошидан ўтказганларининг ўзи минг кеча шарҳлаган билан адо бўлмаслигини айтади ва «Минг бир кеча» асарига ишора қилади:

Тийра фироқ тунлари шарҳини айт демаким, -

Минг кеча деб тугатмагай бир кечанинг фасонаси.

(А.Навоий: Мукаммал асарлар тўплами. 3-том, Т., 1988, 478 саҳ).

Бу байт Навоийнинг бундай жанр ва «Минг бир кеча» асаридан яхши хабардор эканига гувоҳлик беради.

Ҳозирги Ғарб сериалларида олийжаноб ғоялар илгари сурилиши, ролларни ўйновчи артистларнинг маҳорати билан бирга баъзан сериялар миқдорини кўпайтириш тамойили кучли. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Уларда воқеа ва ҳодисалар сунъий равишда мураккаблаштирилиб, унча ишончли бўлмаган ҳиссиётларга берилиши, ортиқча такрорлар, бир-бирига ўхшаш эпизодлар юзага келгани тез-тез кўзга ташланади.

Ўзбек адабиётида ҳам шундай телесериалларга асос бўладиган асарлар борми? - деган савол туғилади.

Менингча, Алишер Навоийнинг «Хамса» таркибидаги «Фарҳод ва Ширин» достонини ёки Искандарнинг ҳаёти ва ҳарбий юришларини ўз ичига олган «Садди Искандарий» асарини шу йўл билан экранлаштириш мумкин. Чунки бу асарларда ҳам бош қаҳрамонларнинг саргузаштлари ниҳоятда бой ва мазмундор. Воқеалар ҳам бир мамлакат доирасида эмас, балки ўнлаб бошқа мамлакатларда, турли халқлар билан алоқаларда юз берган.

Шу нуқтаи назардан машҳур адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини янгидан, телесериал шаклида кинога олиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак! - деб ўйлайман. Чунки буюк ёзувчимизнинг бу асарни яратиш билан боғлиқ ўй ва хаёллари мавжуд фильмларда тўла кўрсатилган! - дейиш қийин. XXI аср киносанъати эса бу муаммони бутунлай янгича ва юқори бадиий савияда амалга оширишига кўзим етади. Бу билан ўзбек кино санъати жаҳон миқёсида яна бир бор ўзини намоён этган бўлур эди.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)
Ишларингиз, воқеаларнинг бироз сустлашиб қолганидан хавотирга тушманг. Аксинча пайтдан фойдаланиб, бироз ҳордиқ чиқариб олишга ҳаракат қилинг.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Катта зарар кўрмаслик учун шу кунларда йирик молиявий ишларни тўхтатиб туринг ёки жуда эҳтиёткорлик билан, тартиб доирасида бажаринг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ҳар қандай муаммоларни ҳал этишда воситачиларсиз, ўз кучингиз доирасида ҳаракат қилишни маслаҳат берамиз. Акс ҳолда алданиб қолишингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Фақат ўзингизнинг фойдангизни кўзлаб кўпчиликни муваффақияти аниқ бўлмаган тадбирга бошламанг. Мисқоллаб йиққан обрўингизни бир зумда йўқотиб қўясиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Дам олиш кунларигача бирон бир катта муаммо ёки қийинчиликларга дуч келмайсиз. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказишга ҳаракат қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ўтган даврларга нисбатан олганда келаётган ҳафта анча хотиржам ўтади. Фарзандларингиз тарбияси билан боғлиқ муаммоларни босиқлик билан ечинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Вазиятни тўғри баҳолай олмаганингиз туфайли бир нечта кутилмаган можароларга аралашиб қоласиз. Етти ўйлаб, бир гапириш сизни кўнгилсизликдан сақлаши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Бутун эътиборингизни оилавий муносабатларга қаратсангиз сиз учун ҳам, оила аъзоларингиз учун ҳам яхши. Айни дамдаги ҳамжиҳатлик оилангиз учун муҳим.

КОВҒА (20.01-18.02)
Узоқ манзилга сафарни кейинроққа, иложи бўлса, умуман бошқа фаслга қолдирганингиз маъқул. Соғлиғингизни тиклашга алоҳида эътибор беринг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Иш жабҳасида анча муддат олдин йўл қўйилган хатоларингиз ҳозирда унутилган бўлса-да, ўзининг салбий таъсирини намоён этиши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Муҳим вазифалар бўйича шу кунларда бирон қарор қабул қилмай туринг. Барибир уларни ижро этиш учун ҳозир имкониятингиз йўқ.

СИГИР(22.0420.05)
Шу кунларда ўзингиз руҳан тушкун сезмоқдасиз. Ўзингизни хушчақчақ тутиш учун ортиқча уринманг. Яхшиси, келаси чоршанбагача сокинликда юринг.

Умр сабоғи

ҚАЙТАР ДУНЁ ЭКАН...

Кўпни кўрган бир нуроний отахон ҳикоя қилиб берган эди:

Боғ ҳовлимиз Бўрижар атрофида эди. Ён атроф нотекис, пасту баланд бўлиб, қўшни боғ бизникидан анча баланд, ўртадаги девор ўрнига шоҳ - шабба ташлаб қўйилган эди. Ўн олти ёшларда бўлсам керак, боғда ёлғиз майда - чуйда ишлар билан андармон эдим. Бақириқ овози келгандай бўлди. Ўрнимдан туриб атрофга разм солдим. Яна ҳалиги овоз. Яқинроқ бориб қулоқ солсам, «Вой мусулмонлар бормисизлар, бу оқпадар мени ўлдириб қўяди», деган овоз келди. Шохлар устидан сакраб қўшни боққа тушдим. Боғнинг нариги тарафига югуриб бордим. Қўшнимизнинг уч-тўрт йил аввал армия сафидан қайтган ўғли қария отасини иккала ёқасидан ушлаб олиб урарди. Мен ўғлининг қўлига ёпишдим.

- Эй ака, нима қилаяпсиз?

У бир қўли билан мени тутиб, иккинчи қўли билан отасини судраганча, ора сира тепа бошлади. У бақувват эди, қанақасига ҳаракат қилсамда кучим етмасди.

- Қоч, бизнинг ишимизга аралашма, ман бу ярамасни ўлдираман, - деб ўкирарди ўғил.

Бор кучимни йиғдим-да унинг иккала оёғини маҳкам қучоқлаб йиқитиб олдим. Димоғимга ароқнинг ачимсиқ ҳиди келди. Орада афт - башарамга бир икки мушт тушди. Қария фурсатдан фойдаланиб сургалаасургала уйига қараб кетди. Мен ҳам боғимиз томон жуфтакни ростлаб қолдим. Алламаҳалгача қўшниникида бақириқ - чақириқ тинмади. Кейин у мени кўча - кўйда ёлғиз кўрса адабингни бериб қўяман, деб тишини ғижирлатиб дўқ қиладиган бўлиб қолди. Аҳамият бермасликка ҳаракат қилардим.

Орадан анча вақт ўтиб, қанча сувлар оқиб кетди. Боғ ҳовлимизда укам, мен эса шаҳар ҳовлимизда яшардик. Лекин ора - сира, айниқса дам олиш кунлари боғнинг у - бу ишларига қарашиб хордиқ чиқариб қайтардим.

Кунлардан бир кун токни хомток қилаётсам, худди эллик йил илгаридек қўшни боғдан дод-вой эшитилиб қолди. Токқайчини қўйдиму, шаҳдам қадам билан овоз келган томонга юрдим. Девор устидан ўтишим бир оз қийин бўлди. Қарадиму даҳшатга тушдим, худди бир кино-фильмни такроран кўраётгандек эдим. Ўғил отасини ўша қари тутга суяб урарди, тепарди. Фақат калтакланаётган узоқ йиллар менга отамни уришимга ҳалақит бергансан деб йўл бермаган ўғил эди. У мени кўриб, одамнинг раҳмини келтирадиган аянчли аҳволда:

- Мени бу оқпадарнинг дастидан қутқар, бўлмаса мени ўлдириб қўяди,- дея ёлворди.

Уларни ажратиб бўлиб, сўнг ўйланиб қолдим. Тавба, «Қайтар дунё» деб бежизга айтишмаган экан-да...

Омонуллоҳ МУТАЛ

М. ХЎЖАМБЕРДИЕВ олган сурат

ҚИЗЛАР ИЖОДИДАН

Гулсара ХУРРАМОВА

Қалбимда ғам-алам эзса ногоҳон,
Дардкаш излаб боқар хазонга кўзим.
Адоқсиз кулфатга бўлолмай қалқон,
Кўзларим ёшига тилайман тўзим.

Сени ашъоримга солмайман асло,
Гарчи майсаларим бўлса-да, хазон.
Бари бир йўлингни кутаман аммо,
Оҳанг япроғига қўнса-да мезон.

Айриламан балки бугун сирдошим,
Сени унутмакка етса бардошим.

Дилшода АСЛОНОВА

Туйғуларим бўлиб бирдан жам
Юрагимни куйдирди оташ.
Ёнаётган... танамда ўтлар
Пайдо бўлди қалбимда Кураш.

Бошланмоқда ҳидоят йўли,
Йўлим тўсманг, банагоҳ кимса.
Бу ҳаётнинг йўлида мени
Яхши ният қўлидман тутса...

***

Изғиринлаб ёғаётган қор...

Кўринмайди қирда қизғалдоқ,
Музлагандир унинг танаси.
Қаҳринг экан шунчалик қаттиқ
Тузалмайди унинг яраси.

Кўнгил экан, кўнгил чироғи,
Шай турарди ҳаёт китоби,
Музлаб қолган баҳор гуллари,
Муҳаббатинг музли моҳтоби.

СКАНВОРД+ ним кулги

-Сиз, доимо яхши, кўнглингизга қувонч бахш этадиган нарсалар ҳақида ўйланг,-деди дўхтир ҳасадгўй беморга: -Акс ҳолда депрессия ҳолатидан ҳеч қачон қутулмайсиз.Ўйлаб кўринг, ҳаётингизда бирор - бир қувончли воқеа юз берганми?

-Эсладим, дўхтиржон, бўлган.

-Кечагина қўшним янги машинасини симёғочга уриб олди.

- Бўлди, бас етар! Сиздек зиқна эр билан яшаш жонимга тегди? Мен ажрашишга қарор қилдим. Мана, менга тақкан никоҳ узугингиз, ўзингизга сийлов бўлақолсин.

- Яхши, узукни бераколинг, лекин бунинг ғилофи бор эди-ку?

Билмасангиз, билиб олинг!

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, бажарувчи) истеъмолчига сифатсиз маҳсулот сотиш (хизмат кўрсатиш) натижасида келтирилган зарар учун жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунидан

ЭЪЛОНЛАР

Турли усулдаги буёқ ишларини, шу жумладан перфоратор, гипсокартон ишларини арзон, тез ва сифатли бажарамиз.
МУРОЖАТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 79-93-15.

Кушов Николай Алексеевичга 1993 йил 8 декабрда берилган уй-жойга эгалик ҳуқуқи ҳақидаги 07-22/3263-сонли давлат ордери йўқолганлиги сабабли
бекор ҳисобланади

«TEMUR-SERVIS-QURILISH» номига берилган думалоқ ва бурчакли муҳр йўқолганлиги сабабли
бекор ҳисобланади

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви Тошкент вилояти Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Тўлқин МИРКОМИЛОВга акаси Мирсобир МИРКОМИЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими Зангиота тумани Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳом Жўраевга волидаи муҳтарамаси Озодахон аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Эълон!

Республика «Маҳалла» жамғармаси қошидаги «Маҳалла Мурувватн» корхонаси болалар ва ўсмирлар учун спорт формалари тайёрлаш ва етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

Манзил: А.Икромов тумани Бекобод маҳалласи Меҳмондўст кўчаси, 26-уй. Тел: 478303, 1363766.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

6700 нусхада чоп этилди.Буюртма Г-1126 Топширилди— 22.20